



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Ҳаддан зиёд
бойликнинг хавфли
томони шундаки,
у сизни
бошқаради, унга
қучингиз етмай
қолади

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@gmail.uz



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 21-noyabr, shanba, 134 (23.414)-son

Бугуннинг гапи

Хали қиш бошланмай туриб, биринчи қордаёқ коммунал хўжалик билан боғлиқ бир қатор муаммо ва камчиликлар юзага чиқиб турган пайтда шу савол ҳаммани ўйлантириши табиий.

Қишда нима бўлади?

Негаки, кейинги уч кунда ижтимоий тармоқларда, ўзаро суҳбатларда электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ таъминотидаги узиллишлар, йўлларнинг ҳолати бўйича эътирозлар кўпайгандан кўпайди. Мутасадди идоралар, раҳбарларга ҳам бу борадаги мунозабатлар бугун ҳар қачонгидан кўп.

Иссиқлик таъминоти ҳақида-ку гапирмасам ҳам бўлади. Сабаби, Самарқанд шаҳридаги, шунингдек, бошқа туман ва шаҳарлардаги деярли барча кўп қаватли уйлар марказлашган иситиш тизимидан узилганига бир неча йил бўлди (кейинги йилларда янги қурилган, ҳар бир хонадон алоҳида иситиш тизимига эга кўп қаватли уйларда бундай муаммо йўқ).

Шундай бўлгач, аҳоли хонадонини қандай иситади? Албатта, электр энергиясидан ҳар қачонгидан кўпроқ фойдаланади. Бунда ҳам тўловига чидаса. Чунки ҳозир янги электр ҳисоблагичлардан фойдаланиш тизимига ўтилган, аввалгидек "қўлимга пул тушса, тўлайман" деган гап йўқ. Тармоққа ноқонуний уланиб, ўғринча фойдаланишга, ҳисоблагични "орқага айлантириш"га барҳам берилган. Худди бошқа истеъмол маҳсулоти харид қилганингиздек, пул тўлаб эҳтиёжингизга яраша, электр энергиясидан фойдаланасиз. Аслида истеъмолчининг асосий эътирози ҳам шунда – "свет учун пулни тўлаб қўйганман, нега узлуксиз ёқиб қўйилмайди?"

Яқинда Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг янги раҳбари журналист ва блогерлар иштирокида пресс-тур ташкил этиб, тизимдаги янгиликлар, муаммолар ва вазифалар ҳақида маълумот берганди. Уша мулоқот чоғида янги бошлиқ Самарқандда электр энергияси билан боғлиқ кўп масалалар Тошкент орқали ҳал этилаётгани ва уларнинг ваъдаларидан келиб чиқиб, бундан буён вилоятда электр энергиясида бир соатдан ортиқ узиллиш бўлмастгидини айтганди. Афсуски, янги раҳбар берган ваъданинг ҳақиқатга қанчалик яқинлиги ёки йироқлиги кейинги кунларда яққол намоён бўлди.

Дарвоқе, пресс-турга электр энергиясини магистрал электр тармоқлари орқали етказиб беришга масъул ҳисобланган миллий электр тармоқлари корхонасининг вилоятдаги мутасаддиси ҳам таклиф этилган экан. Мутасаддидан нима учун вилоят эҳтиёжига яраша электр энергияси етказиб берилмаётгани ва тармоқда узиллишлар кўп бўлаётгани ҳақида сўраганимизда, у буни "аҳолининг истеъмол маданияти" билан боғлаб жавоб беришга уринди. Кейинги саволларга эса "буларга бош муҳандис келиб жавоб беради", деганча жуфтатки ростлаганди. Аммо ўша кунга на бош муҳандисдан ва на бошқа масъулдан дарак бўлганди.

Хуллас, бугун электр энергиясидаги узиллишлар шаҳар учун ҳам, қишлоқ учун ҳам муаммага айланди. Бунга берилмаётган жавоб ҳам аниқ – истеъмолчи ошиб кетди, тармоқлар кўтаролмаяпти, иссиқлик станциясида авария бўлди...

Ҳаво совуб кетгач, эҳтиёж ортади-да. Бунинг устига, юқорида қайд этганимиздек, табиий ёки суюлтирилган газ етказиб бериш, иссиқ сув ёки иссиқлик таъминоти билан боғлиқ муаммо бўлмасани, ҳамма юк электр энергиясига тушмаса?! Нега мавсумга тайёргарлик чоғида бу жиҳатлар эътиборга олинмайди?

Энди газ масаласида. Бугунга келиб аҳоли ҳаво ҳарорати пасайиши билан газ босими ҳам тушиб кетишига ўрганиб қолди. Кўпчилик газдан умидини узиб, имкон қадар, кўмир, ўтин ғамлашга одатланыпти. Қишлоқда, ҳовлида яшаётганлар учун бунинг имкони бор, лекин кўп қаватли уйларда-чи? Бу хонадонларда аҳоли ноиложликдан газ плитасини ёқиб (бор бўлса, албатта) уйини иситишга мажбур бўлади. Натижада ис газидан заҳарланиш, ёнган каби кўнгилсиз ҳолатлар юзага келади.

Кеча бир ҳамкасбимиз "газ паст, свет светафор бўлиб қолди, бешинчи қаватдаги уйим музхонага айланиб боряпти, бу кетишда қишни қишлоқда ўтказаман, шекилли ҳар ҳолда уйда печка, сандал курса бўлади", деди. Айтишича, кекса ота-онасини қишни шаҳарда ўтказасизлар, деб олиб келган экан, вазиятни кўриб, қишлоққа қайтиб кетишибди.

Коммунал соҳадаги бугунги ҳолатга, юзага келаётган муаммоларга сабаблар бисёр. Шу билан бирга ҳар бир соҳанинг ўзини оқлашига ёки муаммоларини тан олишига ҳам омиллар жуда кўп. Лекин бугун аҳолини айб кимда ёки қайси тармоқда эканлиги эмас, муаммоларнинг ечими қизиқтиради, қишда нима бўлади, деган савол ўйлантиради. Умидимиз, қиш остонасидаги дастлабки синов мутасаддиларни ҳам ўйлантираётган, улар учун бу огоҳлик кўнгириги бўлсин-да...

Ғолиб ҲАСАНОВ.

Паст Дарғом туманида замонавий технологиялар асосида 4 гектарли иссиқхона ишга туширилганига бир йил бўлди. «Туркистон мева» масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган иссиқхонада 20 нафар ишчи бодринг, булғор қалампери ҳамда помидорнинг серхосил ва экспортбоп навини парваришлamoқда.

– «Саноатқурилишбанк»нинг вилоят филиалидан 2 миллион доллар кредит олиб ишни бошлагандик, – дейди жамият иш бошқарувчиси Фируз Абдуллаев. – Дастлабки ҳосилдан 5 тоннасини ички бозорга етказиб берган бўлсак, 33 тонна маҳсулотни Қозоғистонга экспорт қилдик.



Бахтиёр МУСТАНОВ олган сурат.

Моддий ёрдам ва ижтимоий нафақа бериш тартиби ўзгарди

Бизнинг суҳбат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 4 августда қабул қилинган "Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, 2020 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб, ижтимоий нафақаларни тайинлаш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ва уларни тайинлаш тартиб-таомиллари ўзгарди.

Жумладан, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, яъни ижтимоий нафақалар тайинлашни кўриб чиқиш ва белгилаш тартиб-таомиллари Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг «Ижтимоий химоя ягона реестри» ахборот тизими орқали амалга оширилмоқда.

Мазкур янги тизим ва унинг қулайликлари ҳақида маълумот олиш учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси бўлими бошлиғи Абдурашид Раҳимовга бир неча саволлар билан мунозабат қилдик.

– Давлатимиз раҳбарининг қарорига кўра, жорий йилнинг ноябрь ойидан Пенсия жамғармасининг вилоятимиздаги ҳудудий бўлиmlари томонидан янги тизим асосида ижтимоий на-

фақалар тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ва тайинлаш амалга оширилмоқда – дейди А.Раҳимов. – Аслида бу тизим Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелдаги "Аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликини қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, шу пайтгача Сирдарё вилоятидагина синаб кўрилган эди. Шу боис, "Сирдарё вилоятининг кам таъминланган оилаларига "Ижтимоий химоя ягона реестри" ахборот тизими орқали ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида" вақтинчалик низом тасдиқланганди (унга 2020 йил 15 майда Вазирлар Маҳкамасининг 286-сонли қарори билан ўзгартириш киритилган).

2-саҳифа >>>

418 минг фуқаронинг маълумоти ягона миллий меҳнат тизимига киритилди

Бу ҳақда вилоят Матбуот уйида бўлиб ўтган матбуот анжуманида вилоят бандлик бош бошқармаси бошлиғи Исроил Жабборов маълум қилди.

Янги меҳнат шартномаларини тузиш, амалдаги меҳнат шартномаларига ўзгартириш киритиш, шунингдек, уларни тугатиш 2020 йилнинг 1 январидан "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий аппарат комплексига мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартибида амалга оширилмоқда. Шунингдек, барча корхона, ташкилот, муассаса ва фирма раҳбарларига ўз ходимлари ҳақидаги маълумотларни ягона миллий меҳнат тизимига киритиш талаби қўйилди. Бундан кўзланган асосий мақсад – ишга кирувчининг қонуний манфаатларини химоя қилиш, вакант ўринлари ҳақида маълумотга эга бўлиш, меҳнат бозоридан

ишчи кучига бўлган талабни қондиришдан иборат.

Бундан ташқари, эндиликда ишга олишда таниш-билишчиликнинг олди олиниб, пенсияга чиқишдаги қоғозбозлик, идорама-идора югур-югурларга барҳам берилади. – Ушбу тизимни жорий этишдан олдин МДХ мамлакатлари, Саудия Арабистони ва бошқа давлатлардаги тартибни ўргандик ва ўзимизнинг миллий меҳнат тизимини жорий этдик, – деди Ягона миллий меҳнат тизими бошқарув дирекцияси директори Хусан Ёрқулов. – Бунда ходимларнинг маълумоти ҳам сир сақланиши кўзда тутил-



ган. Шунингдек, ҳар бир фуқаро ўзининг электрон меҳнат дафтари-часини my.mehnat.uz сайти орқали кузатиб бориш имкони яратилди. Самарқандда ягона миллий меҳнат тизими орқали 15 мингга яқин вакант ўрин аниқланди. Шунингдек, айрим раҳбарлар вакант ўринларини яширгани учун 2 миллион 230 минг сўмдан жаримага тортилди.

Ҳуршида ЭРНАЗАРОВА.

Аҳолига газ етказиб беришда муаммолар йўқми?

Вилоятимизда 768 минг 754 та газлашган хонадондан 289 минг 415 та хонадон (шундан 64 минг 882 таси кўп қаватли уйлар) табиий газ билан таъминланган. Газлашмаган ва табиий газ етиб бормайдиган 479 минг 339 та хонадонга суюлтирилган газ етказиб берилади.

Табиий газ билан таъминланган ҳудудларда куз-қиш мавсумида таъминотда муаммо бўлмастгидини учун қандай ишлар амалга оширилди?

"Hududgaz Samarqand" газ таъминоти бўйича филиали томонидан вилоят газ хўжалигини 2020-2021 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш режаси асосида 1,2 километр газ қувурлари реконструкция қилинди, 100 метр газ қувури ва 41 та газ тақсимлаш қурилмалари (ГТК) мукамал таъмирланди.

2-саҳифа >>>

Ижтимоий тармоқларда жорий йилнинг ноябрь ойидан Умра сафарига рухсат берилгани ҳақида маълумотлар тарқалганди. Хўш, бу муборақ зиёратга боришига рухсат берилдими?

Умра зиёратига рухсат берилдими?

– Шу йилнинг март ойидан мамлакатимизда карантин чекловлари эълон қилингач, Умра зиёратига бориш ҳам тўхтатилган эди, – дейди вилоят бош имом-хатиби Зайниддин Эшонқулов. – Ноябрь ойидан бошлаб фақат Саудия Арабистони ва унинг атрофидаги араб мамлакатлари аҳолиси учунгина бу муборақ зиёратга рухсат берилди. Ҳозирча юрдошларимиз учун Умра сафарига рухсат берилган эмас, қачон рухсат этилиши номаълум. Шу йилнинг апрель ойида Умра зиёратига бориш учун рўйхатга олинган ва тўловларни амалга оширган 500 нафар самарқандлик фуқаронинг навбати сақлаб қолинди. Сафарга рухсат берилса, биринчи галда улар муборақ сафарга юборилади ва кейин янги рўйхат шакллантирилади.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

КУН МАВЗУСИ

Моддий ёрдам ва ижтимоий нафақа

бериш тартиби ўзгарди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Мазкур низомнинг 13-бандида бола парваришlash бўйича нафақа тайинлаш учун Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи номига ёзилган (махсус шакл бўйича) ариза мурожаат қилувчининг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этилиши белгиланган.

Аризага қуйидагилар илова қилиниши керак:

- ариза берувчи оила аъзоларининг паспорт нусхалари, чет эл фуқаролигини ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси (доимий ёки вақтинчалик прописканидан ўтганлиги қайд этилган бети билан) ва никоҳ тўғрисидаги, бола тўғилганлик ҳақидаги гувоҳнома-лар нусхаси;

- болалар васийлик остида бўлган тақдирда, аризага васийлик ва ҳомийлик органининг қароридан кўчирма илова қилинади;

- вақтинчалик низомга 2а-иловага мувофиқ шакл бўйича болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олиш учун оиланинг мурожаат қилган ойдан олдинги охириги уч ой учун бошқа даромадлари тўғрисида маълумот;

- вақтинчалик низомга 2б-иловага мувофиқ шакл бўйича тижорат банкларида ариза берувчи ва унинг оила аъзолари номидаги банк ҳисобварақларидаги қолдиқлар ва ариза берилган ойдан олдинги 6 ой мобайнида номига ўтказилган пул ўтказмалари юзасидан маълумотларни тақдим этиш тўғрисида ариза тақдим этилган санада бирга яшовчи 18 ва ундан катта ёшдаги барча оила аъзолари имзолари билан тасдиқланган ариза.

Ариза берувчи томонидан ушбу бандда келтирилган барча ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилганлиги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан текширилади. Ушбу бандда келтирилган ҳужжатлар тақдим этилмаган ҳолларда ариза кўриб чиқилмайди.

– Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам нафақасини тайинлаш бўйича аризалар қанча мuddатда кўриб чиқилади, қарорлар қабул қилиш тартиби қандай?

– Юқорида келтирилган қарор билан тасдиқланган низомнинг 14-бандида болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш учун аризалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига оила ушбу нафақа ёки моддий ёрдам олишни хоҳлаган ойдан олдинги ойнинг 15-кунидан кечикмай, бироқ ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тўлаш мuddати тугайдиган ойдан кейин (бола 2 ёшга тўлгунча қадар уни парвариш қилиш бўйича нафақа бундан мустасно) тақдим этилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи аризада кўрсатилган ариза берувчи ва унинг оила аъзолари таркиби, уларнинг иқтисодий ҳолати, оиланинг томоғка ер ва/ёки деҳқон хўжалиқларининг майдони ва аризада кўрсатилган манзил бўйича ариза берувчи ва унинг оила аъзолари яшаётганлигини текширади. Аризада кўрсатилган маълумотлар ишончлилиги тасдиқланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳар уч иш кунида камда бир маротаба, бироқ тизимга берилган ойнинг 18-кунидан кечиктирмай Вақтинчалик низомнинг 13-бандида кўрсатилган ариза ва тақдим этилган ҳужжатларни ҳамда оиланинг таркиби ва иқтисодий аҳволи тўғрисидаги маълумотларни тегишли Пенсия жамғармаси бўлимига тақдим этади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан Пенсия жамғармаси бўлимига аризалар Вақтинчалик низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига (маҳаллага) нафақа ва моддий ёрдам тайинлашни сўраб мурожаат этилган аризалар рўйхатига асосан тақдим этилади.

Шундан сўнг низомнинг 16-бандида мувофиқ нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш тўғрисида қабул қилинган аризалар Пенсия жамғармаси бўлимининг масъул ходими томонидан ариза берилган ойнинг 25-кунидан кечиктирилмай "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимида киритилади.

Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромаднинг ҳисоб-китоби ариза берилган ойдан кейинги



ойнинг 1-кунига "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими томонидан автоматлаштирилган тарзда амалга оширилади.

Низомнинг 18-бандида ижтимоий нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими томонидан автоматлаштирилган тарзда амалга оширилиши кўрсатилган бўлиб, нафақалар тайинлашни тўғрисида қарор қабул қилинишида Пенсия жамғармаси ходимлари (инсон омили) умуман қатнашмайди.

– Бола икки ёшга тўлгунча қадар уни парваришlash нафақаси ёки моддий ёрдам нафақаси тайинлашда ҳужжатларни қабул қилиш тартиби қандай?

– Вақтинчалик низомнинг 3-боб, 12-бандига асосан нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш учун ариза бевосита ариза берувчининг доимий ёки вақтинчалик пропискани бўйича яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этилади ва рўйхатга олинади.

Вақтинчалик низомда белгиланган барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда ариза тақдим этилган кун ариза рўйхатга олинган кун деб ҳисобланади.

Шу ўринда айтиб ўтмоқчиман, ижтимоий нафақалар тайинлашни бўйича аризалар (ҳужжатлар) фақат ўзини ўзи бошқариш органига орқали қабул қилиниши Пенсия жамғармасига тақдим этилади. Шу сабабли фуқароларнинг Пенсия жамғармасига келишлари ва ҳужжат тақдим этишлари шарт эмас.

– Тайинланган ижтимоий нафақа пуллари қандай тўланади, қарердан олиш мумкин бўлади?

– Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам, шунингдек, компенсация АТ «Халқ банки»нинг туман (шаҳар) бўлими (филиаллари) орқали нақд пул шаклида ёки фуқаронинг хоҳишига кўра пул маблағларини нақд пулсиз ўтказиш йўли билан фуқароларнинг банк ҳисобварақлари (карточкалари) орқали тўланади.

Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа, моддий ёрдам ва компенсация тўлови тўлов ойининг 4-кунидан 27-кунига қадар амалга оширилади.

– Қандай ҳолларда нафақа тайинлашни рад этилиши мумкин?

– Вақтинчалик низомнинг 4-боб 19-бандига асосан қуйидаги ҳолатларда тегишли ижтимоий нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилади:

а) ариза берувчининг доимий ёки вақтинчалик пропискани йўқлиги;

б) ариза берувчи оиласининг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромаднинг ушбу Вақтинчалик низомнинг 7-бандида белгиланган мезонлардан кўплиги;

в) идоралараро электрон ахборот тизими орқали кадастр ахборот тизимида ариза берувчи ва унинг оила аъзоларида жами биттадан ортқ кўчмас мулк мавжудлиги;

г) ариза берувчи ёки унинг оила аъзоларида:

ишлаб чиқарилган мuddати 10 йилдан ошмаган, техник ҳолати соз бўлган автотранспорт воситаси мавжудлиги;

жами икки ва ундан ортқ, техник ҳолати соз бўлган автотранспорт воситалари мавжудлиги;

д) даромадларнинг расмий манбаларига эга бўлмаган ва охириги олти ой мобайнида меҳнат органларига мурожаат қилмаган ва ҳисобда турмаган ёки ҳақ тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоси мавжудлиги.

Ушбу мезонлар асосида тегишли нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилганда, ариза берувчига «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» орқали рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда электрон билдиришнома (аризада кўрсатилган электрон манзилга ёки СМС-маълумот орқали мобил телефон рақамига) юборилади.

Ғ.МАТЛАБОВ сўхбатлашди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Шунингдек, 8824 та ГТҚ тафтиш қилинди, 839,8 километр газ қувурлари босим остида зичликка синалди ва ҳаво босими ёрдамида тозаланди.

– Назаримда, қиш мавсумида табиий газ етказиб беришда муаммо бўлмаслиги учун бу ишларнинг ўзи етарли эмас.

– Шундай. Юқоридагилардан ташқари, Самарқанд шаҳрида табиий газ таъминотини яхшилаш учун Хўжақишлоқ маҳалласидаги 10-сонли ГТҚдан

қишлари - ҳажмлари бор. Мисол учун, ёз ойларига нисбатан қиш фаслида аҳоли ва ижтимоий соҳа объектлари учун қарийб олти баробар кўпроқ газ оламиз.

Шунингдек, қиш ойларида аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини бир меъёрга табиий газ билан таъминлаш учун кафолатланмаган объектлар – умумий овқатланиш шохобчалари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга газ бериш тўхтатилади.

– Юқорида қайд этганингиз – реконструкция

Аҳолига газ етказиб беришда муаммолар йўқми?

Юқсалиш маҳалласига Ғ-159 мм. ли 1,4 километр газ қувури тортилиб, 2 та маҳалланинг 650 та хонадониди газ таъминоти яхшиланди. Регистон кўчасидан Сўзангарон кўчаси орқали Андиджон кўчасига ўрта ва паст босимли Ғ-159 мм. ли 1,8 километр газ қувури тортилган, 4 та маҳалладаги 1900 та хонадоннинг газ таъминоти яхшиланди.

Самарқанд халқаро аэропорти қозонхонаси ва аэропорт атрофидаги кўп қаватли хонадонларнинг газ таъминотини яхшилаш мақсадида Ғ-219 мм ли 1,2 километр газ қувури монтаж қилинди. Натижада қозонхона ва 120 та хонадоннинг газ таъминоти яхшиланди.

Бундан ташқари, Шодлик маҳалласидан Амир Темур ва Бўстонсарой кўчалари орқали Университет хиёбонига, Мирзо Улуғбек кўчасидан Мир Саид Барака кўчаси орқали Завод кўчасига 6,7 километр ва Улуғ Турсунов кўчаси орқали виллоят йўлига 219 мм. ли 1,3 километр газ қувурлари тортилди. Бу ўз навбатида Самарқанд шаҳрининг 18 та маҳалласидаги 12 минг 250 та хонадоннинг газ таъминотини яхшилаш имконини берди.

Шунингдек, Самарқанд шаҳрининг 13 та маҳалласидаги 7 минг 500 та хонадоннинг газ таъминотини яхшилаш мақсадида «Чўпон ота» юқори босимли газ тақсимлаш шохобчасидан Панжакент кўчасига Ғ-325 мм.ли 6,5 километр газ қувури монтаж қилиниб, ишга туширилди.

– Фуқрат ака, шу ўринда бир нарсанга аниқлик киритиб кетсангиз, нима учун ҳар йили кунлар совиғач табиий газ босими камайиб кетади?

– Жуда ўринли савол. Бу биринчи навбатда истеъмол ортиши билан боғлиқ. Чунки илик кунларда масалан, хонадоннинг битта газ нуқтасидан фойдаланган бўлсангиз кун совиғач уларнинг сони икки, баъзан ундан кўпроқ бўлади. Бу табиийки, умумий газ босимига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Негаки, бизда Иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан тасдиқланган ойма-ой лимит кўрсат-

ва тармоқ қуриш ишлари нима учун фақат Самарқанд шаҳрида амалга оширилган? Виллоятнинг бошқа ҳудудлари-чи, уларда табиий газ етказиб бериш билан боғлиқ муаммолар йўқми?

– Бор, албатта. Ҳудудларда газ қувурларидаги муаммоли ҳолатлар ўрганилиб, камчилик аниқланган бир метр, бордингидан кўпроқ қисм реконструкция қилинади. Заруратдан келиб чиқиб, Пайарик тумани Кумчўк ва Хўжақишлоқ маҳаллаларида Ғ-89 мм. ли 1,2 километр газ қувурлари қайта реконструкция қилинди. Бундай ишлар Паст Дарғом ва Каттақўрғон шаҳрида ҳам амалга оширилган.

Самарқанд шаҳрига келадиган бўлса, биз ҳудудда табиий газ етиб бормаган ҳудудларни ҳам газлаштириш чораларини кўрганмиз.

– Хўп, катта ҳажмдаги ишлардан сўнг Самарқанд шаҳрида табиий газ етиб бормаган маҳаллалар қолмадими?

– Йўқ, афсуски, бугунги кунда ҳам Самарқанд шаҳридаги 4 та маҳаллага табиий газ етказиб беришнинг иложи йўқ.

Бу ҳудуддаги хонадонларни мунтазам ва узлуксиз равишда суюлтирилган газ билан таъминлаш чоралари кўриломоқда.

– Маълумотларга кўра, виллоятимизда суюлтирилган газ истеъмолчилари сони 479 минг 339 тани ташкил этади. Уларга қанча газ балони ижарага берилган?

– Бугунги кунда виллоят бўйича беш юз мингдан зиёд газ балонлари билан аҳолига суюлтирилган углеводородли газ етказиб берилмоқда. Ҳозирги кунда табиий газ етиб бормаيدиган ҳудуддаги ҳар бир хонадонни суюлтирилган углеводородли газ балон билан таъминлаш чоралари кўриломоқда.

– Лекин шунга қарамай бугун баъзи ҳудудларда ҳали бир донга ҳам газ балони бўлмаган фуқаролар бор.

– Тўғри, айнан шунинг учун, умуман, тизимда хизмат кўрсатиш сифати ва самардорлигини яхшилаш учун бугун мавжуд

газ баллонларга чип ўрнатилмоқда. Яъни, ҳар бир маиший газ баллонлари махсус штрих кодли стикерлар билан таъминланяпти. Кейинги босқичда истеъмолчилар ID карталари билан таъминланади ва жараёнлар тўлиқ "E-gaz" онлайн тизимида уланади.

Бу орқали ҳар бир истеъмолчининг қачон газ олгани ва қанча тўлов амалга оширилгани кўриниб туради. Мухими, тизим ишга туширилиши билан нарх-навоини асоссиз ошириш, турли коррупцион ҳолатларга барҳам берилади.

тартибда амалга оширилмоқда.

– Бугун аҳолига суюлтирилган углеводородли газ етказиб беришда 85 та "ISUZU", шунингдек, 2 та "СНАКМАН" автоуловларингиз хизмат қилмоқда. Бу агар мавжуд истеъмолчиларни ҳисобга олсак, бир давра айланари учун қарийб 55 кун вақт кетишини аниқлатади. Яъни, аксарият ҳудудларда тизим раҳбарлари таъкидлаётгани билан нарх-навоини асоссиз ошириш, турли коррупцион ҳолатларга барҳам берилади.

– Бугунги кунда виллоятимизда 1 та газ тақсимлаш станцияси, Каттақўрғон шаҳри, Пахтачи, Ургут, Пайарик ва Қўшработ туманларида газ қуйиш шохобчалари, шунингдек, 2 та хусусий тадбиркорлик субъекти орқали суюлтирилган газ истеъмолчиларидан 479 339 та хонадонга газ баллонлари етказиб берилмоқда.

Ўтган 6 ой давомида истеъмолчиларга жами 30 минг 419 тоннадан зиёд суюлтирилган газ тарқатилди. Жорий йилнинг 25 октябр санасига қадар бу кўрсаткич 46 минг 780 тоннани ташкил қилган.

2020-2021 йил куз-қиш мавсумида виллоят аҳолисини узлуксиз суюлтирилган газ билан таъминлаш бўйича 51 минг 332 тоннага яқин суюлтирилган газ маҳсулотлари ажратилган. Бу кўрсаткич 2019-2020 йил куз-қиш мавсумидан 19 минг 887 тоннага кўп.

– Сиз айтаётган рақамлар мавсумида виллоят аҳолисини узлуксиз суюлтирилган газ билан таъминлаш бўйича 51 минг 332 тоннага яқин суюлтирилган газ маҳсулотлари ажратилган. Бу кўрсаткич 2019-2020 йил куз-қиш мавсумидан 19 минг 887 тоннага кўп.

– Сиз айтаётган рақамлар мавсумида виллоят аҳолисини узлуксиз суюлтирилган газ билан таъминлаш бўйича 51 минг 332 тоннага яқин суюлтирилган газ маҳсулотлари ажратилган. Бу кўрсаткич 2019-2020 йил куз-қиш мавсумидан 19 минг 887 тоннага кўп.

– Агар етказиб берувчи заводларда муаммо бўлмаса, "Hududgaz Samarqand" газ таъминоти бўйича филиали томонидан камчиликларга йўл қўйилмайди. Чунки 2020-2021 йил куз-қиш мавсумида аҳолини узлуксиз суюлтирилган газ билан таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Хусусан, Самарқанд газ тақсимлаш станцияси капитал таъмирланиб, модернизация қилинди. Ҳудудлардаги барча газ қуйиш шохобчалари таъмирланиб, шай ҳолатга келтирилди.

– Табиий газ тармоғига уланиш масаласи қандай ҳал этилади?

– Бугунги кунда ушбу масалада кўплаб мурожаатлар бўлимоқда. Бунда биз биринчи навбатда масалани жойига чиқиб, табиий газ етказиб бериш мумкинлиги ёки йўқлигининг техник имкониятларини ўрганиб чиқамиз.

Маълумот ўрнида айтишим мумкин, бутун маҳалла ёки қишлоқ жойларни табиий газ тармоғига уланиш имкони йўқ. Лекин тармоққа яқин аҳоли хонадонларида бу иш белгиланган

Ёқубжон МАРҚАЕВ сўхбатлашди.

► ТАҲРИРИЯТДАН: Биздаги маълумотларга кўра, ёз мавсумида "Hududgaz Samarqand" газ таъминоти бўйича филиали етказиб берувчилардан 6 минг тонна газ ололмаган. Ўйлаймизки, қиш мавсумида бундай ҳолатлар қузатилмайди.

Қурултойдан кейин янги давр бошланди

Самарқанд давлат тиббиёт институти касабга уюшмаси бошланғич ташкилотиди институт профессор-ўқитувчилари ва инженер-техник ходимлари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Дастлаб Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг VIII қурултойи ҳақидаги видеолаваха намойиш этилди.

Қайд этилганидек, 11 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг VIII қурултойи иштирокчиларига Президентимиз Шавкат Мирзиёев табрик йўллади. Аҳамиятлиси, мустақил Ўзбекистон тарихида давлат раҳбари касабга уюшмалари қурултойи иштирокчиларини илк маротаба табриклади. Бундан ташқари, юртимиз ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти эътиборга олинди, 11 ноябрь санасини касабга уюшмалари куни деб

белгиланган тақдир билдирилди. Шунингдек, соҳа учун замонавий билим ҳамда малакага эга, халқаро тажрибани пухта биладиган етуқ кадрларни тайёрлаш мақсадида касабга уюшмалари академиясини ташкил этиш гояси илгари сурилди.

Йиғилишда институт касабга уюшма кўмитаси раиси, доцент Я.Аллаёров касабга уюшмалари федерациясининг 2016-2020 йиллардаги фаолияти давомида амалга оширилган ишлари хусусида ахборот берди. Хусусан, Самарқанд давлат тиббиёт институтида пандемия шароитидаги чекловларга қарамадан ижтимоий-ҳимояга муҳтож

ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш, ички туризмни ривожлантириш мақсадида "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил" дастури бўйича Нурота шаҳри ва Ҳайдарқўлга саёҳат ташкил қилинган. Мухим саналар ва байрамларда фаол ходимлар "Йилнинг энг яхши профессори", "Йилнинг энг яхши доценти", "Йилнинг энг яхши ўқитувчиси", "Йилнинг энг яхши илмий ходими" номинациялари бўйича рағбатлантирилган.

Тадбирда виллоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси, халқ депутатлари виллоят кенгаши депутати Сухроб Рафиқов касабга уюшмаси бошланғич ташкилоти фаолиятини янада кучайтириш юзасидан ўз тавсияларини берди.

РЕКЛАМА, ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРИШЛАР

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР ТАНЛОВИ!

Самарқанд вилоятида автотранспорт соҳасида қуйидаги шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро - вилоят ички йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун 2020 йил 22 декабрь кўни соат 10:00 да очиқ тендер танловлари ўтказилади.

Шаҳар автобус йўналишлари:

- ША "7" – "Темирйўл АББ – Самарқанд туман шифохонаси";
- ША "8" – "Янгиобод маҳалласи – Қорасув массиви (Обод маскан маҳалласи)";
- ША "10" – "Темирйўл АББ – Ипак йўли бозори";
- ША "13" – "Рўхобод боғи – Самарқанд туман шифохонаси айланма";
- ША "14" – "Нефт омбори – Сиёб АББ";
- ША "15" – "Темирйўл АББ – Кимё заводи";
- ША "22" – "Темирйўл АББ – Пистамозор қишлоғи";
- ША "30" – "Сартепа маскани – Қорасув массиви (Обод маскан маҳалласи)";
- ША "31" – "Сил касалликлари шифохонаси – Самарқанд АББ";
- ША "32" – "Дўстлик маҳалласи – Бойдаков қишлоғи";
- ША "35" – "Ҳазора АББ – Қорасув массиви (Обод маскан маҳалласи)";
- ША "37" – "Ертешар маҳалласи – Самарқанд АББ";
- ША "58" – "Навбоғчиён – Ҳазора АББ";
- ША "61" – "Кўз касалликлари шифохонаси – Ҳазора АББ";
- ША "64" – "Сиёб АББ – Сартепа маскани";
- ША "66" – "Узоқ лагер – Ипак йўли бозори";
- ША "67" – "Янгиҳаёт маҳалласи – Ипак йўли бозори";
- ША "85" – "Сартепа маскани – Халқлар дўстиги маҳалласи";
- ША "87" – "Сартепа маскани – Самарқанд шаҳар шифохонаси";
- ША "91" – "Ҳазора АББ – Сиёб АББ";
- ША "93" – "Кимё заводи – Ипак йўли бозори";
- ША "99" – "Субҳидан бозори – 1-сон шаҳар шифохонаси";
- ША "101" – "Навобод маҳалласи – Ипак йўли бозори";
- ША "122" – "Шўрбойи – Сартепа маскани";

Шаҳар атрофи автобус йўналишлари:

- ШАЙ "202" – "Мирбозор АББ – Каттакўрғон АББ (Мирбозор АББ томондан)";
 - ШАЙ "211" – "Мирбозор АББ – Юлдуз";
 - ШАЙ "218" – "Мирбозор АББ – Мушкент";
 - ШАЙ "224" – "Шоҳи Зинда АББ – Ғазира – Сўхмон";
 - ШАЙ "241" – "Зиёвуддин – Қарнаб";
 - ШАЙ "251" – "Мирбозор АББ – Дарайтут";
 - ШАЙ "258" – "Мирбозор – Дўрмон қишлоғи";
 - ШАЙ "310" – "Ҳазора АББ – Жума АББ";
 - ШАЙ "322" – "Шоҳи Зинда АББ – Хитой маҳалласи";
 - ШАЙ "351" – "Мирбозор АББ – Ғалаба";
 - ШАЙ "353" – "Жомбой тумангаз – Шоҳи Зинда АББ";
 - ШАЙ "365" – "Шоҳи Зинда АББ – собиқ Амир Темур ж/х.";
 - ШАЙ "367" – "Шоҳи Зинда АББ – Шайман бозори";
 - ШАЙ "371а" – "Жума АББ – Марказий шифохона";
 - ШАЙ "372" – "Жума АББ – Янгикишлоқ қишлоғи";
 - ШАЙ "393" – "Янгийўл маҳалласи – Жомбой – Шоҳи Зинда АББ";
 - ШАЙ "394" – "Каттакўрғон АББ – Иштихон";
 - ШАЙ "395" – "Шоҳи Зинда АББ – Қорамўйин".
- Шаҳар атрофи йўналишлари такси йўналиши:**
- ШЙТ "316в" – "Шоҳи Зинда АББ – Булуғнур АББ";
 - ШЙТ "340" – "Ҳазора АББ – Ғўзалкент қўрғони".
- Шаҳарлараро – вилоят ички автобус йўналишлари:**
- ВХ "501" – "Ҳазора АББ – Ўртабўз қишлоғи";
 - ВХ "502" – "Ҳазора АББ – Олға қишлоғи";
 - ВХ "505" – "Мирбозор АББ – Зиёвуддин – Саҳоба";

- ВХ "507" – "Оқтош – Ағрон";
- ВХ "517" – "Ҳазора АББ – Каттакўрғон АББ";
- ВХ "522" – "Ҳазора АББ – Сарикўл – Нуробод";
- ВХ "529" – "Ҳазора АББ – Мирбозор";
- ВХ "541" – "Самарқанд АББ – Жўш қишлоғи";
- ВХ "546" – "Урганжи қишлоғи – Самарқанд АББ";
- ВХ "558" – "Бозоржой (Оқчапсой) – Самарқанд АББ";
- ВХ "560" – "Ҳазора АББ – Зиёвуддин – Саҳоба ота".

Очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, солиқ органлари ҳисобида турадиган, автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро йўловчи ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир транспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлган барча юридик шахслар қатнашишлари мумкин. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига таъқиқ қўйилган талабгорларнинг тендерда қатнашишларига йўл қуйилмайди.

Иштирокчи тендер таклифлари шаклини тўлдиришда, ўз таклифларидаги баҳо мезонларига алоқаси бўлмаган маълумотларни кўшмасдан, фақат сўралаётган баҳо мезонлари бўйича тўла ва мукамал ахборот тақдим этишга мажбур.

Даъвогар тақдим этаётган тендер таклифлари у томондан имзоланган ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

Йўналишларда йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш зоясидан тендер ғолиби билан шартнома камида 1 йил мuddатга тузилади. Шартнома бўйича ишларнинг барча шартларига ташувчи томонидан риоя қилинган ҳолларда шартноманинг амал қилиш мuddати узайтирилиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси – шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро – вилоят ички йўналишларида йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссияси.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар комиссияга тендер ҳужжатлари пакетларини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 23402000300100001010 ҳисоб рақами, шахсий ғазна ҳисоб рақамига 401410860426273422967279 (Банк коди: 00014, СТИР: 201122919) 1 та пакет учун 50 000 (эллик минг) сўм, 2 та пакет учун 75 000 (етмиш беш минг) сўм ва ундан ортиқ пакет олишни истаса, ҳар бир пакет учун 25 000 (йигирма беш минг) сўмдан ўтказиб, 2020 йил 17 декабрь кўни соат 18:00 гача бюртма берилшари ҳамда тендер ҳужжатлари пакетларини олишлари лозим. (Ишончнома ва тўлов топшириқномаси тақдим этилиши шарт).

Қатнашчи тендерда қатнашишдан бош тортганда, у томондан олинган тендер ҳужжатлари пакети учун тўланган ҳақ қайтариб берилмайди.

Тендер таклифлари 2020 йил 21 декабрь соат 18:00 гача қабул қилинади.

Комиссиянинг ишчи гуруҳи манзили: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 69-уй. Самарқанд вилояти транспорт бошқармаси биноси. Мурожаат учун телефонлари: 66-233-71-12, 66-233-31-38, 71-202-05-00 (қисқа рақам – 231).

ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашгани тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закатат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Аукцион савдоси натижалари савдо ўтказилган манзилда савдо ўтказилгандан сўнг эълон қилинади. Савдо натижасига кўра савдо ғолибига 10 кун мuddатда сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ҳамда шартнома шартларига кўра тўловларни амалга ошириш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар савдога қўйилган мулклар бошлангич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини "EVEREST STANDART" МЧЖнинг АТБ "Туронбанк" Самарқанд филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Х/р: 20208000804455614001 МФО: 00282, СТИР: 205825127.

Савдо ташкилотчиси жойлашган ва савдода иштирок этиш учун бюртманомалар қабул қилинадиган манзил: Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 112-уй ҳамда Самарқанд шаҳри Спитамен кўчаси, 153-уй.

Телефонлар: 93-356-38-44, 93-349-05-71.

Расмий сайтими: www.e-standart.uz **электрон почта манзили:** e_standart@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасининг "Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси"даги қолдиқ маблағлари тўғрисида

МАЪЛУМОТ

2020 йил 17 ноябрь ҳолатига

Т/р	Тўловчининг номи	Тўлов мақсади	Тўшган маблағ		
			Сана	Тўлов ҳужжати рақами	Сумма
1	2	3	4	5	6
1	Рузиев Алишер	20-сонли ер	09/02/2018 й.	145	3 000 000,00
2	Рузиев Алишер Мухтарович	20-сонли ер	31/03/2018 й.	135	2 700 000,00
3	Холиков Умид Салимович	692-сонли ер	29/05/2018 й.	6115315	356 750,00
4	Мирзабеков Рустам	69-сонли ер	12/06/2018 й.	30418	245 000,00
5	Исанов Воҳид	9-сонли ер	18/06/2018 й.	6507870	995 000,00
6	Исанов Зоҳид	10-сонли ер	18/06/2018 й.	6507988	1 295 000,00
7	Файзиёв Юсуф	86-сонли ер	06/07/2018 й.	6922142	765 000,00
8	Б.Жураев	206-сонли ер	09/07/2018 й.	148	305 000,00
9	Марданов Ботир	148-сонли ер	10/07/2018 й.	7001488	110 000,00
10	А.Омонов аризаси Бойназарова Ойсара учун	148-сонли ер	11/07/2018 й.	143	305 000,00
11	Б.Мардонов аризаси Мардонов Ботир учун	148-сонли ер	11/07/2018 й.	144	500 000,00
12	О.Хамраев аризаси Болтаева Наргиза учун	Ер майдони учун	13/07/2018 й.	163	172 000,00
13	Хусанов Нарзулла аризаси Исанов Мухриддин учун	212-сонли ер	16/07/2018 й.	252	245 000,00
14	Мананов Баҳадир	206-сонли ер	16/07/2018 й.	6979009	460 000,00
15	Хамраев Раҳмонкул аризаси Исанов Мухриддин учун	212-сонли ер	16/07/2018 й.	251	500 000,00
16	Очилова Соҳида аризаси Арнақулов Жавлон учун	174-сонли ер	20/07/2018 й.	408	755 000,00
17	Холмуродова Мелихол	278-сонли ер	15/08/2018 й.	7529962	570 000,00
18	Каршиева Шахноза	277-сонли ер	15/08/2018 й.	7530003	570 000,00
19	Хамраев Ойбек Бекжонович	113-сонли ер	20/08/2018 й.	70	520 000,00
20	Буриева Зера	99-сонли ер	21/12/2018 й.	1274318	487 000,00
21	Саидов Адхам	397-сонли ер	18/01/2019 й.	1502947	146 500,00
22	Саидов Адхам	397-сонли ер	18/01/2019 й.	1502982	227 000,00
23	Парманова Лобар	37-сонли ер	08/08/2019 й.	14104425	915 000,00
24	Хамроев Ойбек	113-сонли ер	17/08/2019 й.	14251510	36 500,00
25	Хамроев Ойбек	113-сонли ер	17/08/2019 й.	14251567	73 000,00
26	Мирзаева Дилором	279-сонли ер	03/12/2019 й.	16467404	755 000,00
Жами					17 008 750,000

Ушбу фуқаролар маблағларини олиш учун пластик карта ёки омонат ҳисоб рақам реқвизитлари ва фуқаролик паспорти билан Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасига бир ой ичида мурожаат қилишлари лозим.

Қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил: Самарқанд шаҳри Кўқсарой майдони, 1-"А" уй. Маълумот учун телефон: 66-233-73-54. БОШҚАРМА МАЪМУРИЯТИ.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2020 йил 22 августда 883855 реестр рақами билан рўйхатга олинган «AMINJON-STROY-SAVDO» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «AMINJON-STROY-SAVDO» МЧЖ) жамият таъсисчисининг 2020 йил 20 ноябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилладиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Рудакий кўчаси, 231-уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 307662754.

Самарқанд шаҳридаги «ZENDER BEST COLUTION» хусусий корхонаси (СТИР: 307540960) ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини «ZENDER BEST COLUTION» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартиради. «ZENDER BEST COLUTION» масъулияти чекланган жамияти «ZENDER BEST COLUTION» хусусий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шу муносабат билан унга билдирилладиган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 146/8-уй.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ахтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасида марҳум Халимова Хабибага (1998 йил 11 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ахтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Андиджони маҳалласи.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Артикав Тошмуҳаммад Зиёбоевичга (2020 йил 30 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси Истиклол кўчаси, 73-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Хусайнов Эркин Давроничига (2019 йил 3 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд шаҳридаги 29-умумий ўрта таълим мактабидан 2011 йилда Базарбаев Руслан Алишерович номига берилган У № 0219144 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Қўзиев Муроджон Ҳасан ўғли номига берилган УМ № 0538937 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Гўзалкент қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежидан 2018 йилда Абдуҳақимов Авазбек Акбар ўғли номига берилган рўйхат рақами 193, К № 5142422 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Хусанов Иброҳим Эркин ўғли номига берилган УМ № 0500448 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университетидан 2002 йилда Достонов Баҳодир Эркинович номига берилган рўйхат рақами 459, В № 093089 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«Бухор ментақавий темирйўл узели» УК Самарқанд фуқаро иншоотлари дистанциясига (СТИР: 204293127) тегишли, Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекциясидан рўйхатга олинган заво рақами 00060548 бўлган «UZ-1.3» русумли назорат касса машинасининг паспорти йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 1-ўрта мактабдан 1997 йилда Фармонова Хуршида Рахимовна номига берилган O’R-D № 381027 рақамли таянч маълумот тўғри-

сидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабидан 2015 йилда Омонтаева Нигора Абдумалик қизи номига берилган У № 6922146 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 48-умумий ўрта таълим мактабидан 2015 йилда Хуррамов Абубақир Илҳом ўғли номига берилган У № 6895747 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Ургут туманидаги 83-умумий ўрта таълим мактаби қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқитувчиларни ишга таклиф этади: Технология (0,5 ставка), биология (0,5 ставка), жисмоний тарбия (0,5 ставка).

Манзил: Ургут тумани Ўзбекистон маҳалласи. Телефон: 97-613-47-83.

ТОПГАНГА МУКОФОТ!

Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармасидан 2017 йилда Латипов Азам Азимовичга (марҳум) берилган 7299 рақамли пенсия гувоҳомаси Самарқанд шаҳри ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

Телефон: 91-547-40-70.

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИНГ!

Самарқанд туман ҳокимлиги хузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси томонидан туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига олинган: “Чордара агротехсервис” агрофирмаси ҳудудидан жами 21,1 га. (шун

ИНСОН ЎЗИНГ

Яхши одам

Куддус Асқар деган синфдош жўрам бор. "Тобуткашим" деб ардоқлаймиз бир-биримизни. Мен - Тошкентда, у - Ургутда, аммо кунига икки-уч марта лаб телефонлашмасак, кўнглимиз жойига тушмайди. Мен қишлоққа борар бўлсам, у Самарқанд бўсағасида, унинг йўли Тошкентга тушса, мен Ипподром остонасида кутиб тураман.

- Сизни битта яхши одам билан таништирдиман, - деди шу тобуткашим бир сафар учрашганимизда. - Кўп йил вилоятдаги энг каттаконлардан биттаси бўлган. Ҳозирам кичкинамас. Лекин шу қадар камтарки, бу борада ҳеч қайси амалдор унинг яқинига келолмайди.

- Камтарликни шу кишидан ўрганганман, дег.

Ўзининг озроққина "гуппи"лигини яхши билган жўрам мен нимага шима қилаётганимни фахрлаб, қаттиқ кулиб юборди. Аммо бўш келиш йўқ:

- Шу ерда сал адашдингиз жўра, у киши биздан ўрганган, - кулги баланд пардаларда давом этди.

"Яхши" одам билан туш чоғи шаҳардаги одам сийрақроқ чойхонада кўришдик.

Куддус жўрам тантанали тарзда таништирди:

- Маҳмуд Ҳамидович Бобоёров, асли Паст Дарғом-

дан, фан кандидати, обкомкомсомолда, обкомпартияда, райкомда зўр ишларда ишлаган. Ўн йил обломо мудури, музейларни бошлиғи, хуллас, чигитдайлигидан бери ота-мансабдор.

Ростини айтсам, жўрамнинг "Ҳамидович" дегани менга унча ёқинирамади. "Ака", "ука" деган ўзбекча сўзларимиз турганда "вич-вич" дейишларини кўпма хушламайман. Ўта расмийлигидан ташқари, одамни ўзидан итаридиган алланималар бордай туюлади "вич-вич"да. Аммо менга ўхшаганларнинг хоҳиш-истагидан қатъий назар "вич-вич" тилимизга жуда чуқур жойлашиб кетганига анча бўлди. Янги танишимизниям ҳамма "Ҳамидович" дер экан.

Ҳамидович эллик ёшлар атрофидаги, ўрта бўйли, қарашлари ўткир, юзиданги нимкулги кўнгли очик ва



меҳрибонлигини айтиб тургандай, истараси иссиқ киши эди. Тўлагина-ю ҳаракатлари спортчиларниқидек чаққон, ўз қадр-қимматини биладиган, гаплариям, ҳазил-хузуллариям кўнглини ийдирадиган - ёқимли, ўзини тутиши эса унинг журъатли, иродаси мустақкам, кучли руҳият эгаси эканига ишора қилиб турарди, гўё.

Кўпчиликка аёнки, отдан тушган ёйинки вазифаси пасайган амалдорнинг орқасидан илиқ фикрлар эшитиш ҳамма замонлардаям сувдай сероб бўлган эмас. "Вазифага ўтирдимги, биринчи навбатда, халқ ишончини оқла, соҳани гуллаб-яшна-тиш учун жонингни жабборга бер, кеча-ю кундуз тиним билмай ишла, шунда олдингдаям, орқангдаям ёмон гап эшитмайсан, - деган эди Самарқанднинг эл суйган оқ-

соқоли, Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳасан Нормуродов. - Вазифа бу - талтайиб ўтирадиган кресло эмас, синов, ҳақиқий синов". Афсуски, нафси тийиш, эл-улус ғамини ейиш, юрт ободлиги учун қайғуриш, қариндош-уруғчиликка тўсиқ бўлиш ҳамма амалдорнинг кўлидан келавермайди. Иродасининг мўртлиги, кўзининг очлиги "давринг келди, сур бегим" тарзида босар-тусарни билмай қолишлари кўпчиликка панд беради ва охир-оқибат халқ назаридан тушиб, бевақт жарга қулашига сабаб бўлади. Шукрлар бўлсинки, йиллар оша осмондаги юлдузлар каби ярқираб, ардоқланиб, улуғланиб келатган сиймолар юртимизда, шу жумладан, Самарқандда ҳам ош эмас. Кичик мақолада уларнинг номларини биттама-битта санаш ўринли эмасдир. Аммо бугун умрининг олтишининчи довоани билан юзма-юз турган Маҳмуд Ҳамидович Бобоёровни ана шундай иззатли инсонлардан бири, десак арзийди.

Эл-юрт эъзози, яхши одамлик мартабаси ҳамиша Сиз билан бирга бўлсин, Маҳмуд Бобоёров!

Абдусайд КҶЧИМОВ.

Эъзоз

Хар бир инсоннинг ўзига хос фазилати, бошқаларга ибрат бўладиган ҳаёт йўли бор. Бундай инсонлар ўз меҳнати, ширин каломи, очик чеҳраси, бағрикенглиги, доимо одамлар ғамини ейиши, уларнинг хизматиға тайёрлиги билан умр дафтарини безайдилар. Табаррук етмиш ёшини нишонлаётган Тоир Раҳматовни ана шундай киши сифатида биламан.

Умр дафтарини шоҳ сатрлар билан безаётган инсон

Биз тилга олган юқоридаги инсоний фазилатлар Тоир акада болалигидан шакланган бўлса, ажабмас. Унинг таржимаи ҳоли ва меҳнат фаолияти ана шундан дарак беради.

Тоир Раҳматов 1950 йилда Самарқанд шаҳрида зиёли хонадонда таваллуд топган. 1957 йилда 15-мактабни аъло баҳолар, билан битиргач, консерва заводидан иш фаолиятини бошлади. Кейинчалик армияда йигитлик бурчини адо этиб қайтган, СамДУга ўқишга кирди ва 1977 йилда география факультетининг кечки бўлимини битирди.

- Ана шу вақтдан буён ҳаёт ва меҳнат фаолиятим жонажон дорилфунун билан боғлиқ кечмоқда, - дейди Тоир ака фахр билан.

Фаолиятини университет хўжалик таъминот бўлими ходими бўлиб бошлаган Тоир Раҳматов ҳозирда шу бўлим бошлиғи. Ўзининг ҳалоллиги,

меҳнаткашлиги, бошқаларга ғамхўрлиги билан университет жамоаси ўртасида обрў топган. Тоир Раҳматов 1985 йилда университет ходимлар касба уюшмаси раиси ўрин-босарлигиға сайлангач, унинг бошқаларға фидойилик хислатлари янада ёрқин намоён бўлиб келмоқда. Тоир аканинг елиб-югуриши, ғамхўрлиги билан қанчадан-қанча ходимлар ўйли, автомашинали бўлиши.

Ана шу фазилатлари туфайли Тоир Раҳматов ўзи яшаётган Даризанжир маҳалласи фуқаролари назарига тушди. 1974 йилдан 1984 йилгача жамоатчи раис сифатида ишлади. Тўй-маъракаларға, хайрли ишларға бош-қош бўлди.

Тоир Раҳматов пиру бадавлат оила бошлиғи. Мубаро ая билан тарбиялаб вояга етказган фарзандлари ҳам падари бузруквори каби эзгу



фазилатларға бой инсонлар бўлиб етишди.

- Эл-юрт хизматида камарбаста бўлиб яшаш кишиға мамнуният бағишлайди, - деди Тоир ака.

Ўз ҳаётини хайрли ва эзгу ишларға бағишлаб келатган Тоир Раҳматовни қутлуг етмиш ёши билан қутлаймиз. Куч-ғайрат, сиҳат-саломатлик, савоб ишлар Сизни асло тарк этмасин, деймиз.

Мусо ЙЎЛДОШЕВ, СамДУ профессори.

Йўлдаги гуруна

Юмуш билан қўшни вилоят маркази Навоий шахриға боришимга тўғри келди. Сاراتоннинг беҳад иссиқ, ҳароратли кунлари эди. Қийналмаслик учун энгил машинада кечки салқинда йўлга тушишни режалаштирдим. Каттақўрғон, Бухоро, Навоийға қатнайдиغان автоуловлар тўхтайдиган жойда бир ёш аёл ҳам машинаға ўтирди. Мен олдинги ўриндиқда, икки аёл орқада йўлга тушдик. Аввалиға жимгина кетдик. Ҳайдовчи "Нексия"даги магнитофоннинг қулоғини буради. Унда меҳр-оқибат, қариндошчилик ришталарини узмаслик ҳақидаги қўшиқ таралаётган эди. "Бир куним одамдай ўтсин десангиз, опажоним дардлашгани келинг бу кеча..." Шу қўшиқ сабабли, ортда ўтирган йўловчи аёллардан бири гурунг бошлади.

Меҳр-оқибат сўнмасин

Аёл бир неча йиллардан бери касалхонада шифокор бўлиб ишлаётган экан. Уч кун аввал меҳнат таштилиға чиқиб, вилоятда яшайдиган синглисининг ҳолидан хабар олгани кетаётганини айтди. У синглиси ҳақида тўлиб-тошиб гапира бошлади: "Синглим Миллий университетнинг филология факультетини тугатган. Турмуш ўртоғи билан бир-бирларига кўнгли қўйиб оила қуришган. Ҳозир эр-хотин бир мактабда ишлашади. Бир ўғил, бир қизлари бор. Куёвимиз оилада энг кичиги бўлгани сабаб онаси билан бирга яшашади. Аввалиға қишлоқ шароитини кўрмаган синглим кўникиши анча қийин кечди. Лекин куёвимиз Бунёджон уни қўллаб-қувватлаб турди. Синглимни қайнонаси анча кексаиб қолгани сабаб бизни тез-тез йўқлаб келолмайди".

- Опажон, сизға ҳавасим келди, - дея сўхбатға қўшиди иккинчи

йўловчи аёл. - Қанийди, ҳамма ҳам сиздек меҳрли, бағрикенг бўлса... Биз эса оилада 3 ўғил, 4 қизимиз. Амманнинг фарзанди йўқлиги сабаб бир синглимни амманға фарзандликка берганмиз. Иккинчи синглим олий ўқув юртини тугатди-ю ишлаш насиб этмади. Фалокат туфайли, оламдан бевақт кўз юмди. Учинчи синглим ўқишни тугатиб, соҳаси бўйича ишлаб, кўнгли қўйган йигитига турмушга чиқди, ўртада қиз фарзандли бўлишди. Синглим фарзандли бўлгач, қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Аввалиға уни уйда даволатишди, нафи бўлмагач, боласини қайнонаси олиб қолиб, ўзини касалхонаға ётқизишди, узок вақт даволанди. Ўша пайтларда уй ташвиши, ишдан ортиб синглимни, унинг оиласини кўргани, ҳолидан хабар олгани бора олманганман. Янги йил арафаси эди. Касалхонада ётган синглим менға табрикнома юборибди. Ўша пайтдаги аҳолим-

ни сўз билан ифода эта олмайман. Ўзимдан ўзим уялиб кетдим. Ўша пайтдаги иложсизлигимдан, но-чорлигимдан афсусландим. Синглимнинг умри қисқа экан, бир ой ўтар-ўтмас аввал фарзанди, кейин эса жигарбандим бу ёруғ оламни тарк этишди. Орадан 24 йил ўтди. Агар синглим ҳаёт бўлганида бу йил 50 ёшга тўларди. Ҳали-ҳануз бу ҳақда ўйласам, кўз ёшларим юзимни ювади. Энди ишларим анча камайди. Меҳнат таштилиға чиқдим, вақтим бемалол бўлиб қолганда, хабар оладиган синглим йўқ. Эски яраларим янги бўлди. Унутилган хотиралар яна юрагимни кемира бошлади...

...Биз ўтирган такси Карманға яқинлашганда шаҳар кўчаларида чироқлар порлаган, бу чироқлар меҳр-оқибат йўлларига ёрқин нурларини сочаётгандек эди, назаримда...

Абдуазиз ҲОШИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН МУДОФААСИГА КўМАКЛАШУВЧИ

«ВАТАНПАРВАР»

ТАШКИЛОТИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ТАСАРРУФИДАГИ САМАРҚАНД БИРЛАШГАН ТЕХНИКА МАКТАБИ ЖАМОАСИ

Барча ҳамкасбларини «Ватанпарвар» ташкилоти ташкил топганлигининг 29 йиллиги билан самимий қутлайди.



ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!
Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Самарқанд вилоят кенгаши тасарруфидаги Самарқанд бирлашган техника мактаби қуйидаги тоифалар бўйича ўқишга таклиф этади.
- "В" тоифа; - "ВС" тоифа;
- "D" тоифа; - "E" тоифа.
Бизда ҳайдовчилар малакасини ошириш учун ўқув курслари ҳам ташкил этилди. Барчангизни ушбу ўқув курсига таклиф этамиз.
Тўловлар сиз истаган шаклда қабул қилинади.

ЁШ АВЛОДНИ ОНА-ВАТАНГА САДОҚАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ, ЖОНАЖОН ЮРТИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА ОСМОНИМИЗ МУСАФФОЛИГИ Йўлидаги ишларингизда омад тилаймиз!

МАНЗИЛ: Самарқанд шаҳри Бойсун кўчаси, 23-уй. Мўлжал: Самарқанд шаҳар 5-умумтаълим мактаби орқасида.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 97-287-51-66; 66-236-42-56.

Тўртлик
Нажот бўлиб ожиз кимсага, Нафинг тегса - шудир қимматинг. Гарчи ўзинг ерда бўлсангда, Тоғдек бўлар қадру қимматинг.
Бекназар ОРЗИҚЛОВ, Иштихон тумани.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР
22 ноябрь
Мухтор ЎРАЛОВ - (1938-2014). Хатирчи туманида туғилган. Биология фанлари доктори.
Асрор ЖўРАЕВ - (1911-1983). Самарқанд шаҳрида туғилган. Актёр ва режиссёр. Ўзбекистон халқ артисти.

Zarafshon
САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр 100. Индекс 438.
9 718 нускада чоп этилди. Бюжурта 703

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53. БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.
МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуг Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.
Газета "Зарифшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй. Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: Ғ.ҲАСАНОВ.
Навбатчи: Н.ЖОНТЎРАЕВА.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.
Сотува нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 667009